

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил 24 октябрь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: Б.Мамажонов,
ҳайъат судьялари: Х.Сотволдиев ва О.Мирсадиковдан иборат таркибда, А.Иргашевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Акбаров, ҳимоячи М.Паязова, судланган У.Рўзमतовнинг иштирокида, У.Рўзमतовга оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 17 сентябрдаги ҳукмига кўра:

Рўзमतов Умиджон Шавкатжон ўғли, 2000 йил 24 августда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламаган, уйланмаган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2017 йил 8 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “к” банди билан 85-моддаси тартибида 3 йил озодликдан маҳрум қилиниб, 72-моддаси қўлланиб, 2 йил шартли синов муддати тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2018 йил 9 февраль кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 3-қисм “д” банди билан 85-моддаси тартибида 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 59-моддаси 8-қисми тартибида узил-кесил 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2019 йил 8 июлдаги ажримига кўра, 74-моддасига асосан ўталмай қолган 4 йил 1 ой 1 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 14 январдаги ажримига кўра, 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 9 ой 1 кун жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, Қўқон шаҳар, А.Навоий кўчаси, 18-уй, 29-хонадонда яшайди, иш бўйича



муносиб ҳуққ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланган ҳолда 1 йил озодликдан махрум қилиш жазосига судланган. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, У.Рўзматов жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2023 йил 18 декабрь кунги қарорига кўра, 6 ой маъмурий назорат ўрнатилган бўлса-да, маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун 2024 йил 20 февраль куни МЖТКнинг 206-моддаси билан 340.000 сўм жарима жазоси қўлланилганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2024 йил 17 март куни маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш хонадони бўлган Қўқон шаҳар, А.Навой мавзеси, 18-уй, 29-хонадонни ўзбошимчалик ташлаб, Туркия давлатига чиқиб кетиб, маъмурий назорат қоидаларини бузганликда айбланган.

Судланган У.Рўзматов шикоятда, иш бир томонлама кўрилганлиги сабабли, ишни қайта кўриб енгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси О.Мирсадиковнинг маърузасини, прокурор С.Акбаровнинг шикоятни рад қилиш, ҳимоячи М.Паязова ва судланган У.Рўзматовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд, иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, У.Рўзматовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ И.Азимов ва М.Ориповларнинг суддаги, Ш.Рўзматовнинг дастлабки тергов давридаги кўрсатувлари, билдирги, маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги қарор, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 20 февралдаги қарори, яшаш хонадонини текшириш далолатномаси ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг жинойий ҳаракатини ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Апелляция шикоятда, иш бир томонлама кўрилганлиги ҳақида важлар келтирган.

Бироқ, иш ҳужжатларига қараганда, У.Рўзматов жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2023 йил 18 декабрь кунги қарорига кўра, 6 ой маъмурий назорат ўрнатилганидан сўнг, 2024 йил 20 февраль куни маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун МЖТКнинг 206-моддаси билан 340.000 сўм жарима жазоси қўлланган бўлиб, маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида 2024 йил 17 март куни яшаш хонадони бўлган Қўқон шаҳар, А.Навой мавзеси, 18-уй, 29-хонадонни ўзбошимчалик ташлаб, Туркия давлатига чиқиб кетганлиги аниқланиб, маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги сабабли унинг шикоят важлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш



мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан У.Рўзматовга нисбатан жазо тайинлашда, қайд этилган қонунда белгиланган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 6-бандидаги, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги ҳақидаги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги;

26-бандидаги, Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақидаги;

37-бандидаги, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, у томонидан содир этилган жиноят – ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган бўлса-да, уни шахси, муқаддам судланганлигини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд эмас деган қатъий хулосага келиш билан бирга, уни қилмишидан пушаймонлиги ҳамда оилада ягона боқувчи эканлигини содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам



қисмидан ҳам камроқ миқдорда тайинлаб, асосли хулосага келгани сабабли енгиллик бериш ҳақидаги шикоят важлари билан келишиб бўлмайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун ишда асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди У.Рўзматовга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Рўзматов Умиджон Шавкатжон ўғлига нисбатан чиқарилган Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 17 сентябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг апелляция тартибидаги шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанциясининг ажрими устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари:

имзо

Х.Сотволдиев

имзо

О.Мирсадиков

нусхаси аслига тўғри

вилоят судининг судьяси

О.Мирсадиков

